ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУДЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маматкулов Илҳом Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти ректори, и.ф.д.
https://doi.org/10.5281/zenodo.14466321

Аннотация. *мазкур мақолада мамлакатимизда ҳудудлар иқтисодиёти ривожлантиришнинг назарий масалалари, замонавий муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва давлат бошқарувини марказлаштириш амалиётидан воз кечиш зурурлиги, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларига ўтказиш жараёнини давом эттириш кераклиги бошқа шу каби долзарб масалаларига эътибор қаратилган..*

Калит сўзлар: *ҳудуд, салоҳият, тараққиёт параметрлари, модернизация, диверсификация, стратегия, интеграция, ихтисослаштириш, иқтисодий сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик, инфлация.*

Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос табиий ва инсон ресурслари салоҳияти, иқтисодиётининг таркибий тузилиши, иқтисодий ривожланиш даражаси ва ихтисослашуви билан ажралиб туради. Мамлакат ҳақидаги билим унинг барча ҳудудлари тўғрисидаги чуқур ва ҳар томонлама тўлиқ тасаввурни шаклланади. Бундай шароитда ҳудудлар иқтисодиёти ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви ҳақидаги илмий билимлар катта аҳамиятга эга. Ҳудудлар иқтисодиётининг таркибий тузилмасини ўрганиш, оқилона, илмий асосланган минтақавий сиёсат ва унинг стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланиб, иқтисодиётда ўсиш кузатилмоқда. Пировардида, аҳолининг ишчанлик кайфияти кўтарилиб, товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш сифати ошмоқда, уларнинг турлари кўпаймоқда.

Ҳудудларнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт параметрлари аниқланиб, ривожланиш стратегиялари белгилаб олинмоқда. Бу жараён эса ислоҳотларни тизимли давом эттиришни тақозо этади. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасини ҳудудлар кесимида баҳолаб боришни кун тартибига қўяди. Ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини янада тезлаштириш учун мақсадли дастурларни ҳудудлар имкониятларини аниқ ташсихлаш асосида ўз вақтида қабул қилиш ва бажарилишини тизимли кузатиш механизми такомиллашмагани муайян муаммоларни юзага келтирмоқда.

Ислоҳот – бу янгиланиш ва ўзгариш, ишларнинг натижадорлиги учун масъулиятни янада теранроқ ҳис қилиш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижаси бу – бошқарув тизими, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсоннинг дунёқараши ўзгарса, жамият ўзгаради, янгиланади ва шу аснода Янги Ўзбекистон пойдевори мустаҳкамланди.

Бугун минтақаларнинг иқтисодий муаммоларини ўрганиш, ишга туширилмаган заҳираларини излаб топиш ва улардан самарали

фойдаланиш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг стратегиясида янада ривожлантиришнинг еттита устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси – Тараққиёт стратегияси тамойила асосида "...ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш" масалаларига жиддий эътибор берилган.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хос долзарб масалалар, экологик-иқтисодий муаммолар, молия-кредит тизими ва уни минтақаларни инновацион ривожлантиришдаги роли, минтақалар иқтисодиёти ўзаро алоқаларининг самарали механизмлари ва иқтисодий ривожланишнинг минтақавий стратегияларни ишлаб чиқиш масалаларини ўрганиш билан шуғулланади.

Ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларига иқтисодиётни диверсификациялаш ва ихтисослаштиришнинг оптимал комбинацияси ва устувор йўналишларда инновацияларни марказлаштириш киради.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хос доирасида қуйидаги муаммолар кўриб чиқилади:

- алоҳида минтақаларнинг иқтисодиёти;
- улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар; минтақавий тизимлар (миллий иқтисодиёт-ўзаро таъсир қилувчи ҳудудлар тизими сифатида);
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;
- иқтисодий ҳаётнинг минтақавий жиҳатлари;
- ҳудудий бошқарув тизимларини моделлаштириш;
- ҳудудларда иқтисодий фаолиятни бошқариш механизмлари ва усулларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Давлат ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсатини олиб бориш орқали минтақаларнинг ўзига хослиги, улардаги ижтимоий-иқтисодий вазият, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, минтақалараро интеграция масалалари, муаммоли минтақаларни қўллаб-қувватлаш, ислоҳотларни айрим йўналишларини тўғридан-тўғри минтақаларга ўтказиш, турли минтақалар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги жиддий фарқларни камайтириш ва тугатиш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Янги Ўзбекистон стратегиясида давлат бошқарувини марказлаштириш амалиётидан воз кечиш зурурлиги, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларига ўтказиш жараёнини давом эттириш кераклигини таъкидланади.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида қуйидаги муаммолар ўрганилади:

- муайян минтақа иқтисодиёти;
- ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар;
- минтақавий тизимлар (миллий иқтисодиёт ўзаро таъсир қилувчи ҳудудлар тизими сифатида);
- ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш;
- иқтисодий ҳаётнинг минтақавий жиҳатлари;

- ҳудудий бошқарув тизимини моделлаштириш;
- минтақада хўжалик фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш механизмлари ва усулларини такомиллаштириш.

Таъкидлаш жоизки, O.G.Смешко ўзининг Минтақавий иқтисодиёт: ривожланиш омиллари: монографиясида ҳудуднинг иқтисодий маконининг ривожланишини белгиловчи омилларни тадқиқ этган. Таҳлил асосида муаллиф томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш тамойиллари ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш назариясини шакллантириш асослаб берилган, самарали бошқарувни қабул қилиш воситаси сифатида ҳудудий бошқарув методологияси ечимлари таклиф этилган. Монографияда давлат органлари ходимларига мўлжалланган ҳокимият ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, олимлар ва идоралар ходимлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ҳудудий ривожланиш ёки давлатнинг минтақавий сиёсати қуйидаги мақсадларни ўз ичига олиши керак:

- ✓ мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлаган ҳолда мамлакат минтақаларини мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш;
- ✓ инсонларнинг турмуш даражаси ва сифатидаги ҳудудий номутаносибликларни камайтириш;
- ✓ мамлакат аҳолисини қайси ҳудудларда яшашидан қатьий назар уларга ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун тенг имкониятлар яратиш ва хоказоларни назарда тутади.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон қарори бу жабҳадаги ишларни янги босқичда ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш вазифаси белгилниб унда тизимни шакллантиришда статистик кўрсаткичларга ва сўровномаларга асосланилади. Бунда 8 асосий мезонга алоҳида эътибор қаратилиб ва ҳар бир йўналиш баҳолаб борилади.

Биринчиси, ҳудудларда барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги. Барча ҳудудларда ҳам иқтисодий ривожланиш мутаносиблигига етарли эътибор берилиб, бу йўналиш асосий мезонлар сифатида белгиланди.

Иккинчиси, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш. Бу борада ҳудудларда мавжуд ички имкониятлардан етарли фойдаланилмаётган бўлиши мумкин. Ҳудудлар иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, яъни ихтисослашув йўналишлари жойларда меҳнат бозори таркибига ва бу бозор амал қилишининг самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, бур жараён чуқур ва тизимли кузатишларни тақозо этади.

Учинчиси, ҳудудларда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш. Аҳоли турмуш сифати ислоҳотларнинг пировард натижасини ифодалайди, яъни ижтимоий фаровонликнинг бош мезони ҳисобланиб, бу борадаги ишларни чуқур таҳлил қилиш асосий талаблардан биридир.

Тўртинчиси, ҳудудларда аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш. Ҳудудларда аҳолининг иқтисодий фаоллигини таъминлаш ва бизнес доираларнинг тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўпинча маҳаллий ҳокимият органлари ишчанлиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги ва аҳоли билан яқиндан ишлаш кўникмаларига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги эса яхши инфратузилма мавжудлиги билан чамбарчасдир. Ўз навбатида, аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши ҳудудларда мавжуд меҳнат, капитал, минерал хомашё ва бошқа ресурслардан оқилона фойланиш имкониятини кенгайтиради. Бу мезон ҳудудларда аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун яратилаётган шароитларга ҳам баҳо бериш имкониятини беради.

Бешинчиси, ҳудудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, иқтисодиётни янада диверсификация қилиш. Ҳудудлар миллий бозорда қайсидир маънода, бошқа ҳудудлар билан ўзаро рақобатлашса, ўз навбатида, минтақавий ва халқаро бозорларда ушбу ҳудудлар ўз имконият ва салоҳиятини бирлаштиради, улар энди ягона иқтисодий кучга айланиб, халқаро даражада рақобатлашади. Шунингдек, рақобатбардошлик ҳудудларда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қувватларига, ҳудуднинг саноатлашганлик даражасига ҳам боғлиқ. Агар ҳудудлар бир ёқлама иқтисодиётга эга бўлса, у ҳолда рақобатбардошлик даражасига путур етади. Ҳудудлар иқтисодиётини диверсификациялаш бевосита рақобатбардошлик даражасини оширади ва мазкур мезонга алоҳида аҳамият берилган.

Олтинчиси, ҳудудларда ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш. Ҳудудларда ишбилармон доиралар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш имкониятлари кенг бўлиб, бироқ жойларда ишбилармонлик муҳитининг ташкилий, ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий жиҳатларига етарли даражада эътибор қаратилмаслиги сабабли тадбиркорлик қатлами ўз салоҳиятидан самарали фойдалана олмайди. Бундан ташқари, тадбиркорлик ривожланишига йирик, ўрта ва кичик тадбиркорлик поғоналари бўйича, уларнинг интеграциялашуви нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик катта салоҳиятга эга бўлган, доимий ҳаракатчан ва динамик ижтимоий-иқтисодий кучга айланиши лозим. Шу сабабли мазкур мезонга таяниб ҳудудларнинг ишбилармонлик муҳитига етарли даражада тизимли баҳо бериш имконияти юзага келади.

Еттинчиси, ҳудудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш. Бу борада сўнгги йилларда сезиларли ўзгаришларга эришилди. Шу билан бирга, ҳудудларнинг молиявий мустақилликка эришиши йўналишидаги ислоҳотларни янада давом эттириш зарурати мавжуд. Бу маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларда фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиши учун муҳим омил ҳисобланади. Ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланиши ва унинг харажатлари тақсимланишида эркинлик ва шаффофлик масалаларини ҳал қилиш имкониятини ҳам кенгайтиради. Банк-молия соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудлар иқтисодиёт комплексида горизонтал ва вертикал алоқаларни янада такомиллаштириш учун зарур шароит яратилиб, шу сабабли мазкур мезон бўйича ҳудудлардаги вазиятга баҳо бериш соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштиришга туртки бўлади.

Саккизинчиси, ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш. Мамлакатимизда туб ислоҳотлар дастлаб Маъмурий ислоҳотлар концепциясини қабул қилиш билан бошланган эди. Шундан кейин "Давлат идоралари халқ учун хизмат қилиш керак" тамойили йилдан-йилга чуқур ижтимоий-иқтисодий мазмун касб этиб келмоқда. Мазкур мезон ушбу тамойилнинг ҳудудларда қанчалик даражада ҳаётга янада чуқурроқ татбиқ этилаётганига баҳо бериш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишда ҳудудга хос бўлган муаммоларни эътиборга олиш керак бўлади. Шу боисдан ҳам, Янги Ўзбекистон стратегиясида ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш ҳамда 14 та ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари паст бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор йўналишлардан этиб белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-4702-сон қарори *(lex.uz);*

2. O.G.Смешко. Минтақавий иқтисодиёт: ривожланиш омиллари. Монография. Санкт-Петербург: Санкт-Петербург менежмент ва иқтисодиёт университети нашриёти, 2014. -266 б.

2. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. –Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. – 416 bet*;*

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари *(stat.uz).*